


Yangi O'zbekiston taraqqiyoti uchun birlashaylik!

XXI



O'ZLiDeP

asr

26-may 2022

21asr.uz



@XXIasrofficial



УСМОН НОСИР
ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА

*Унутмас
сени бошинг!..*

6 с.



ИШЧИ ГУРУХ

ЮТУҚЛАР ЎЗ ЙЎЛИГА, МУАММОЛАРГА ЖАВОБ ИЗЛАШ КЕРАК

2 с.

ЧОТҚОЛ ЧОРЛАГАНДИ БАҒРИГА БИЗНИ...

3 с.



2 с.



АКТАМ ХАЙТОВ:

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРДА O'ZLiDeP'NING АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТИ БОР

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия

қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари иштирокида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштириш бўйича тузилган миллий комиссия ҳамда конституциявий ислохотларни амалга оширишда O'zLiDeP'нинг ўрни" мавзусида кенгайтирилган қўшма йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар суръати ўз-ўзидан конституциявий ислохотлар ўтказишни ҳам тақозо этаётгани таъкидланди.

– Бош қомусимиз мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимизнинг мустақам ҳуқуқий пойдевори бў-



ликка кўрсатилган номзод ва ишончли вакилларнинг аҳоли билан учрашувларида қарийб барча ҳудудларда сайловчилар томонидан кўтарилган эди. Хусусан, инсон ҳуқуқларини мустақамлаш, тадбиркорлик кафолатларини янада кучайтириш, фуқаролик жамиятини, маҳалла, оила институтини ривожлантириш, давлатнинг ижтимоий муаммоларни ҳал этишга масъулигини ошириш, ёшлар, кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш, таълим ва илм-фанни янги босқичга кўта-

риш, экология, она табиатни асраш борасидаги ҳуқуқий нормаларни қайта кўриб чиқиш юзасидан қўллаб-қувватлаш асосли тақлифлар билдирилган. Шу маънода конституциявий ислохотларни амалга оширишда O'zLiDeP'нинг алоҳида масъулияти борлигини унутмаслигимиз керак.



либ келди. Лекин Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеалikka, Тараққиёт стратегиясидаги улкан марраларга, шиддатли ислохотлар ўзанига мослаштириш бугунги куннинг асосий талабига айланди, – деди O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хайтов. – Айтиш керакки, Конституцияни такомиллаштириш масаласи ўтган йилги сайловолди жараёнларда партияимиздан президент-

риш, экология, она табиатни асраш борасидаги ҳуқуқий нормаларни қайта кўриб чиқиш юзасидан қўллаб-қувватлаш асосли тақлифлар билдирилган. Шу маънода конституциявий ислохотларни амалга оширишда O'zLiDeP'нинг алоҳида масъулияти борлигини унутмаслигимиз керак.

Асосий қонуни миз билан боғлиқ ислохотларга аҳолининг кенг қатламларини жалб этиш, фуқаролар ўз

тақлифларини оғзаки, ёзма ва электрон шаклда миллий комиссияга бемалол, эмин-эркин етказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу мақсадда интернетда махсус платформа, телеграм ижтимоий тармоғида мурожаат боти ишга туширилади. Тақлифлар маҳалла(қўшпоқ, овул) фуқаролар йиғинлари, халқ депутатлари кенгашлари ҳамда почта орқали ҳам йиғилади. Ва ҳар бир фаол фуқарога ташаккур билдирилган ҳолда жавоб қайтарилади. Ишчи гуруҳлар тақлифларни умумлаштириб, миллий комиссияга тақдим этиб боради.

Йиғилишда O'zLiDeP ва унинг парламент кўйи палатасидаги фракцияси конституциявий ислохотларни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаган ҳолда ҳудудий партия ташкилотлари билан бирга аҳоли орасида, тадбиркорлик субъектлари, бошланғич партия ташкилотларида мавзу юзасидан очик мулоқот, давра суҳбатлари ўтказиб, тақлифларни ўрганиш механизмини йўлга қўйиши юзасидан фикр алмашилди.

O'zLiDeP'нинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари вакиллари бугунги тезкор ва глобал жараёнлар талаб қилаётган долзарб масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Бу муҳим ҳаётий ислохотларни рўёбга чиқаришда мамлакатнинг етакчи сиёсий кучи зиммасига тушадиган масъулият яна бир қарра таъкидланиб, бу борадаги ишларни тўғри ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди ва алоҳида ишчи гуруҳлар тузилди.

Ўз мухбиримиз.
Суратларни Сардор АМИНЖОНОВ олган.

СОДИҚ САҒОЕВ, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари:

– Мен шахсий фикримни айтаман: биз нихоятда катта фундаментал ўзгаришлар бўсағасида турибмиз. Биз бунга 1992 йилда қабул қилинган Конституцияга асосланиб амалга ошира олмаймиз. Масалан, инвестициялар ва иқтисодийётимиз ривожланиши ер ислохотида боғлиқ. Ҳозирги Конституция бунга тўсиқ бўлиб турибди. Бугунги кунда ҳусусий мулкни кафолатлаш, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш – буларнинг ҳаммаси Конституцион ўзгаришларни талаб қилади. Ҳукуматнинг роли ва унинг халқ олдидаги ҳисобдорлиги, маҳаллий ҳокимият ҳам ислохотга муҳтож. Халқ учун энг муҳими марказий эмас, маҳаллий ҳокимиятдир.



2 с.

ТАҚДИМОТ



Пойтахтимиздаги “Hilton Tashkent City” меҳмонхонасида “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан “Инсон қадри” онлайн платформаси ҳамда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўплами тақдироти бағишланган халқаро тадбир ташкил этилди.

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ КАТТА ҲАЁТ ЙўЛАНМАСИДИР



Анжуманда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ижроси учун масъул вазирлик, идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари, халқаро ташкилот раҳбарлари, экспертлар иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев кириш сўзи билан очиб, “Инсон қадри учун” тамойили замирида инсоннинг тинч ва хавфсиз ҳаётини, фундаментал ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, ҳар бир шахс учун муносиб турмуш шароити ҳамда замонавий инфратузилма яратиш, одамларга малакали таълимий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит ҳосил қилишдек устувор мақсад, вазифалар муваффақиятини алоҳида таъкидлади.

– Мен шахсий фикримни айтаман: биз ниятда катта фундаментал ўзгаришлар бўсағасида турибмиз, – деди Соҳиб Сафоев. – Биз бундан 1992 йилда қабул қилинган Конституцияга асосланиб амалга ошира олмаймиз. Масалан, инвестициялар ва иқтисодий тизим ривожланиши ер ислоҳотига боғлиқ. Ҳозирги Конституция бунга тўсиқ бўлиб турибди. Бугунги кунда хусусий мулкни кафолатлаш, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш – буларнинг ҳаммаси Конституцион ўзгаришларни талаб қилади. Ҳукуматнинг роли ва унинг халқ олдидagi ҳисобдорлиги, маҳаллий ҳокимият ҳам ислоҳотга муҳтож. Халқ учун энг муҳими марказий эмас, маҳаллий ҳокимиятдир.

Шундан сўнг “Инсон қадри” онлайн платформаси тақдироти ўтказилиб, порталнинг ишлаш механизми, лойиҳадан кутиладиган натижалар хусусида батафсил маълумот берилди.

Шу билан бирга, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган 7 та устувор йўналишни амалга оширишга қаратилган 100 та мақсад ва кўрсаткич ҳақидаги маълумот акс этган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўплами тақдироти бағишланган халқаро тадбир ташкил этилди.

Сардор МУСТАҒОЕВ,
Сардор АМИНЖОНОВ
(суратлар),
“XXI asr” мухбирлари

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ва уни амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича О‘zLiDeP ва партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси вакиллари, фаоллари ва мутахассис-экспертлардан иборат республика ишчи гуруҳлари фаолияти аниқ кунларда янада фаоллашган.

Гуруҳ аъзолари республикамизнинг барча ҳудудларида бўлиб, зиммаларига юклаган вазифаларни бажаришга қатъий киришганлар. Дастур ижросининг қай тарзда кетаётгани бора-бора хонадонма-хонадон, ташкилотта-ташкилот юриб таҳлил қилиш-моқда.



БУХОРО

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли Бухоро гарнизонидаги ҳарбий қисмда О‘zLiDeP вилоят кенгаши депутatlари ва Фахрийлар кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган “Давлатимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Куролли Кучларнинг жанговар шайлиги, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш” мавзусидаги тадбирда шу ҳақда бот-бот сўз юритилди. Унда тарғибот гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, ҳарбий хизматчилар ва ёшлар иштирок этди.

Партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Бобомурод Очилов



СУРХОНДАРЁ

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан хорижий инвесторлар учун яратиб берилган имкониятлар, чет мамлакатлар билан олиб борилаётган изчил ташқи алоқалар натижасида хорижий тадбиркорларнинг қизиқиши кескин ошиб бормоқда.

Ўз навбатида вилоят делегациясининг хорижга ташрифлари амалга оширилмоқда. Россия, Тожикистон, Қозғоғистон ва Афғонистон каби давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари кундан-кунга яхшиланади, муҳим натижаларга эришилмоқда.

Мисол учун, 2017 йилда вилоятга бор-йўғи 18,5 млн. АҚШ доллари қийматидagi тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган бўлса, 2021 йил якуни билан мазкур кўрсаткич 243,7 млн. АҚШ долларига ёки 2017 йилга нисбатан 13 баробарга ортди.

Яна бир таққос, 2017 йилда вилоятда хорижий инвестиция иштирокидаги 60 та корхона фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 599 тага етди. АҚШ, Россия, Хитой, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Туркия, Ҳиндистон каби 27 та йирик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Эндиликда 2022 – 2026 йилларда инвестиция дастури доирасида вилоятда яна 68,7 трлн. сўмлик 4 837 та лойиҳа амалга оширилиб 127,8 мингта янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Шу ва 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини “Инсон қадри” тамойили замирида инсоннинг тинч ва хавфсиз ҳаётини, фундаментал ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, ҳар бир шахс учун муносиб турмуш шароити ҳамда замонавий инфратузилма яратиш, одамларга малакали таълимий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит ҳосил қилишдек устувор мақсад, вазифалар муваффақиятини алоҳида таъкидлади.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев кириш сўзи билан очиб, “Инсон қадри учун” тамойили замирида инсоннинг тинч ва хавфсиз ҳаётини, фундаментал ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, ҳар бир шахс учун муносиб турмуш шароити ҳамда замонавий инфратузилма яратиш, одамларга малакали таълимий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит ҳосил қилишдек устувор мақсад, вазифалар муваффақиятини алоҳида таъкидлади.

ИШЧИ ГУРУҲ: ЮТУҚЛАР ЎЗ ЙўЛЛИГА, МУАММОЛАРГА ЖАВОБ ИЗЛАШ КЕРАК



АНДИЖОН

О‘zLiDeP Избоскан туман кенгаши, маҳаллий кенгаш депутатлари, туман Бандликка кўмаклашиш маркази вакиллари билан тузилган ишчи гуруҳ бу ерда хотин-қизлар нечоғли таълим ва касбий кўникма олаётгани, ўзларига муносиб иш топгани йўқми, тадбиркорликлардан кўнгуллари тўқми, “Аёллар дафтари”ни юритиш нечоғли самара берапти каби қатор саволларга атрофлича жавоб топишга

ИЗБОСКАНЛИКЛАР ИЗГА ТУШЯПТИ

чоғланишди. Эринмасдан маҳаллау қишлоқ, овуллар, хонадонма-хонадон юришлари сабаби ҳам шундан эди. Мана, “Аёллар дафтари”га киририлган Истиқлол маҳалласидан Дилнозахон Шамсуддинова ҳозирда туман Халқ банкидан 30 миллион сўм кредит олиб, тикувчиликни бошлабди. Ўзидан ташқари яна уч нафар ишсиз аёлни ҳам банд этибди. Юқори маҳалласида истиқомат қилувчи Муаззам Максимова ҳам Халқ банкининг ту-

ман бўлимидан 20 млн сўм имтиёзли кредит олиб, оилавий тадбиркорликни бошлаб юрган. Ёнига 5 нафар дугонасини ҳам олибди. Истиқлоллик Махфиратхон Мустафақулова ҳам ишсиз эди, мана 25-МТТда доимий фаолият билан банд. Шунингдек, Марказ маҳалласида яшовчи Муаттар Ҳожиёва, Марғубахон Камолова, Раёно Умирзоқова ва Зарнигор Мамажонова “CHINAR AND” МЧЖда ишга жойлашиб, фаолиятларини бошлашди.

МУДОҒАА МУСТАҒКАМ – КўНГИЛ ХОТИРЖАМ

Тараққиёт стратегиясининг асосий мақсадларини аҳолининг кенг қатламига етказиш, ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ҳарбийлар ва ёшлар онига етказиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Бошқа сўз чиққанлар ҳам ислохотларимиз замирида, энг аввало, инсон қадрини улуғлаш тамойили муваффақиятини эътироф этишди.

Фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш масаласи юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга ҳам батафсил жавоб берилди.



ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОРТИБ БОРМОҚДА

рени улуғлаш ва фаол маҳаллау йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг тегишли мақсадлари, яъни иқтисодий электр энергияси билан улуғлаш таъминлаш, мамлакатимизнинг инвестиция муҳитини янада яхшилаш, экспорт салоҳиятини ошириш йўналишлари бўйича Сурхондарё вилоятида амалга оширилган ишлар ҳақида Халқ депутатлари О‘zLiDeP кенгаши депутатлик гуруҳининг учрашувида вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи ўринбосарининг ҳисоботи тингланди.

Унда О‘zLiDePнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Дониёр Фаниев, Жавлонбек Эргашев ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси масъул ходимлари, партия фаоллари ишти-

рок этишди. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи ўринбосари Самандар Худайбердиев воҳода амалга оширилган инвестицион лойиҳалар ва келгусидаги режалар хусусида ҳисобот берди. Бундан ташқари, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу бўйича мамлакатда жорий қилинган имтиёзлар санаб ўтилди ва воҳанинг энергия ишлаб чиқариш имкониятлари таҳлил қилинди.

Йиғилиш давомида депутатлар кўтарилган мавзулар юзасидан аниқ пайтда долзарб бўлиб турган масалаларни ҳал этишга доир саволларни ўртага ташлашди. Таҳлиллар, таклифлар ўзаро муҳокама қилинди.



НАМАНГАН

ФЕРМЕР МУАММОСИ НАЗОРАТДА

О‘zLiDeP Тўрақўрғон тумани кенгаши вакиллари ва депутатлар “Алишер Икромов” фермер хўжалиги фаолияти билан яқиндан танишди. Сўхбат жараёнида Тараққиёт стратегиясининг фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган йўналишида белгилаб берилган вазифаларнинг мазмун-моҳияти тушунтириб ўтилди.

Хўжаликда асосан Голландиядан келтирилган 200 бош насли қорамол боқилапти. Ҳозирги кунда фермер хўжалиги маҳаллий аҳоли ҳамда мактаб-

гача таълим ташкилотларини сут ва гўшт маҳсулотини таъминлаб келмоқда.

Фермер хўжалиги раҳбари Шукуржон Икромовнинг сўровига биноан туман ҳокимлиги адирликдан 1 гектар фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган йўналишида белгилаб берилган вазифаларнинг мазмун-моҳияти тушунтириб ўтилди.

Ҳўжаликда асосан Голландиядан келтирилган 200 бош насли қорамол боқилапти. Ҳозирги кунда фермер хўжалиги маҳаллий аҳоли ҳамда мактаб-



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ОҒАНГАРОНЛИК АЁЛЛАР ИЛТИМОСИ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ибрагимова, О‘zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудири Севара Муслимова ҳамда партиянинг Тошкент вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” вакиллари Оҳангарон туманидаги хотин-қизлар билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларнинг айрим муаммоларини ўрганишди.

Ишчи гуруҳ фаоллари Ялпоқтепа маҳалласига бориб, бу ерда ўзини иш билан банд қилган, ишсиз, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг хонадонларида бўлишди. Маҳалланинг Наврўз кўчасида истиқомат қилувчи Насиба ая Чингилпалова ўз хонадонидa манзарали гуллари парваришлаб келмоқда. Унинг ортидан даромад топиб, моддий фаро-

вонликка эришяётган фидойилардан бири. Ҳар бир гулнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, алоҳида меҳр билан ўстираётган ая ховлисидa муъжаз иссиқхона ҳам ташкил қилган. У киши бу фаолият билангина кифояланиб қолмоқчи эмас. Ўзига ўхшаган тиниб-тинчимас, меҳнатқаш келинлари билан кичик қандолат цехи ташкил қилиш ниятида экан, шунга уйлари рўпарасидан 2 сотих ер ажратиб ва имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам сўради. Депутат Мавлуда Ибрагимова туман мутасаддилари билан биргаликда онахоннинг сўровини ижобий қаноатлантиришда кўмак беришини айтди.

Олмазор кўчасида яшовчи Саҳобат опа Бегматова ҳам ховлисидa хона гуллари ва малина етиштириб, оиласининг моддий аҳолини тиклашда

кўмаклашмоқда. Самимий мулоқотда халқ ноиб мазкур хонадоннинг томорқадан унумли фойдаланиш тажрибасини оммалаштириш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, фаолиятини янада ривожлантиришда қандай кўмак кераклиги билан қизиқди. Маълум бўлдики, томорқачининг имтиёзли кредит олишга хоҳиши бор. Ушбу масалани ҳам ижобий ҳал қилишга ваъда берди депутат.

Ишчи гуруҳ, шунингдек, 2022 йил март ойида қайта реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилган туман марказий шифохонасида ҳам бўлди. Тиббиёт масканидa 46 нафар шифокор, 420 нафар ўрта тиббиёт ходими, 204 нафар ишчи-хизматчи туну кун халқ соғлигини муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифани уddалапти. Шифо

маскани замонавий технологиялар билан жиҳозланаётир. Мулоқот чоғида беморлар шароит ва тиббий хизматдан мамнунлигини айтишди. Бош шифокор эса ҳозирда масканга олиб келиб ўрнатилиши лозим бўлган тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар чет давлатлардан келтириляётгани тўғрисида бошқона назоратидан ўтказиш мuddати қўзилиб кетаётганини айтди. Бу муаммони ҳам ҳар томонлама ўрганиб, ижобий ечим топади, деди парламент куйи палатаси депутати.

Саҳифани О‘zLiDeP худудий кенгашлари матбуот хизматлари материаллари асосида “XXI asr” мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.

Азалдан са-
ҳатчиларга
ҳавас қиламан.
Ғам-ташвиши йўқ дейсиз
уларнинг. Дунёни кезиб
юради, гоҳи бетакроп
табиат қўйнида, гоҳи ёв-
войи ҳайвонлар орасида
юрадимми-ей... Тоғ, далау
дашт, денгизу дарёлар-
даги сайру саёҳатларини
айтиб ўтирмайин.



қилаётган кўриқхона ҳақида бизлар билмаган, эшитмаган айрим қизиқари маълумотлардан айримларини келтирдик.

Чотқол давлат биосфера кўриқхонаси ҳудуди Тянь-Шан тоғларига тегишли бўлиб, Чотқол тизмасининг ғарбий чеккасида жойлашган. Унинг майдони 24706 га, балиндлик диапазони денгиз сатҳидан 1500 метрдан 3800 метргача. Музликларнинг шаклланиши Тошкескан, Теракли, Зимнасой, Қорабузук дарёлари бошида экан...

Кўриқхонада камида 1100 турдаги ўсимликлар ўсиб, ўсимлик қатлами жуда хилма-хил. Ҳудуднинг 57% фойдаланган ортиги дарахт ва бута ценозлари билан қопланган. Кам учрайдиган турлар ҳам кўриқхонада мавжуд, томирли ўсимликларнинг 24 тури Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган.

Кўриқхонада балиқларнинг 6 тури, амфибияларнинг 1 тури, судра-лувчиларнинг 7 тури, қушларнинг 124 тури ва сут эмизувчиларнинг 33 тури мавжуд. "Қизил китоби"мизга ҳайвонларнинг 24 тури киритилган. Сут эмизувчилар сони деярли барқарор ва қўйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади: кўриқхонанинг юқори қисмида яшайдиган Мэнзбир суғури ва Сибирь тоғ эчкиси – мос равишда тахминан 4500 ва 350 зот. Ҳар хил мавсумда барча юқори минтақаларда учрайдиган оқ тирноқли айиқ ва тўнғиз сони мос равишда тахминан 50 ва 100 та зотга етади...

Ажойиб ва самимий кечган суҳбатимиз тонгга қадар уланшига озгина қолди. Ташқари эса совуқ. Тоғ ҳаваси-да. Дилкаш гурун баҳонасида дунёни айланиб чиқдик гуё. Сие-ростлаш учун баҳона керак эди.

ЧОТҚОЛ ЧОРЛАГАНДИ БАҒРИГА БИЗНИ...

Ўзим ҳам таниқли адибимиз Хуршид Дўстмуҳаммад таъриф берганидек, деярли ҳар ҳафта турли хил баҳонаю сабаблар туфайли йўлданман. Урганиб қолдим чоғи. Ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа оёқ тортаверди. «Йўл»ни қачон ёзасиз, Норқобил?» деганида балки минг бора ҳақдир устоз адибимиз.

Беш кунча кунча аввал **Давлат экология қўмитаси матбуот хизмати раҳбари, иқтидорли ижодкор Бунёд Абдуллаев** кўнғироқ қилиб, «Биламан, ака, Оролбўйининг ҳали кўпма урганилмаган, ёввойи ҳудудларига кўмитамиз ташаббуси билан уюштирилган ғаройиб пресс-тур таассуротларини кўриб, бизларнинг объектишса бўларди-ку, имкони борича бундай саёҳатларга ёздадиган журналист ва блогерлар жалб этилса, қутилган на-тижа қуринармиди, дея андакқина биздан гина қилганингизни тушундим. Шу жума кун Чотқол тоғларига чиқмоқчимиз, семинар, пресс-тур баҳонасида айланиб келасиз» деб қолди. Азбаройи умримнинг ярми сайри саёҳату, сафарларда, йўллар, тоғлар бағрида кечгани учун бу тақлиф жуда маъқул тушди.

Ростданам бир кунлик саёҳатда бир дунё кечинмалар, ҳиллар гурун-ларга ошино бўлдим. Ҳамроҳлар даврасида журналистлардан «facebook чемпиони» Чори Латипов, «маҳаллий Маяковский»имиз Исрол Ҳамро, «босма нашрлар билимдони» Хусниддин Бердиев, жаҳонгашта саёҳатчи ижодкорлар Давронбек Тожиалиев, Санжар Саид, телевидение соҳаси профессионалларидан бири Акбар Жиянов ва бошқалар бор эди.

Дастлаб Чотқол давлат биосфера кўриқхонасининг Ташриф марка-

зида Давлат экология қўмитасининг Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бошқармаси, ЗОИ экологик тармоғи ва критик экотизимлар бўйича ҳамкорлик фонди (CEPF) томонидан биргаликда 22 май – Халқаро биохилма-хиллик кунини муносабати билан "2022 йил Халқаро тоғлар йили ва Ўзбекистон тоғларининг ноёб биохилма-хиллигини сақлашнинг долзарб масалалари" мавзусида ўтказилган тадбирнинг очилиш қисмида қатнашдик.

Бунёд Абдуллаевнинг изоҳ беришича, ушбу йилда халқаро ташкилотлар, Ўзбекистон Экологик партияси, вазирлик ва идоралар, Зоология институти ходимлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, тоғ ва тоғолди ҳудудларда жойлашган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг раҳбарлари қатнашди. Ушбу халқаро биохилма-хиллик кунини нишонлаш ҳар йили маълум бир мавзу остида ўтказилар экан. Жорий йилдаги кун мавзуси "Барча тирик жонзотлар учун умумий келажакни қурш" деб номланибди.

Давлат экология қўмитасининг Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бошқармаси бошлиғи Халилulla Шеримбетовнинг изоҳ беришича, ҳозирги кунда мамлакатимизда 7 та давлат кўриқхонаси, 1 та мажмуа (ландшафт) бюротма кўриқхонаси, 12 та табиат боғи, 11 та табиат ёдгорлиги, 2 та биосфера резервати, 11 та бюротма кўриқхонаси, 1 та Жайрон мажмуа питомниги, 1 та миллий боғ мавжуд. Уларнинг умумий майдони 6 258,21 га ни ташкил қилар экан. Албатта, бу рақамлар ортида қанча машаққатли меҳнат ва тинимсиз заҳмат ётганини ушбу соҳа вакиллари яхши билади.



Чотқол давлат биосфера кўриқхонаси директори Жасур Дўсттов журналистларнинг тилини яхши тушунадиган инсон экан. Бизнинг табиатан қизиқонлигимизни сездик шекли, секин тушунтирди: "Эшитдим, ака, сизлар кўриқхонамизнинг ёввойи муҳитини кўрмоққа шошиласизлар. Албатта, узундан узоқ маърузалар тинглагандан кўра тоғлар бағридаги ажойиб манзаралар сизларни чорлаётди. Лекин ҳозир мавриди эмас, қаранг, момақалдироқ гуьмбурлаб турибди, ўн дақиқадан сўнг жала қўйиб берса қаерга беркиншини билмай қоласизлар. Насиб этса ёз келсин, ўзининг бош бўлиб хув авани қорли чўққиларгача чиқиб келамиз"...

Экологик вазият, ноёб табиат, ҳайвонот дунёси, биохилма-хиллик, кўриқхоналар ва бошқа ўз соҳасига дахлдор маълумотларни сув қилиб



ичиб юборган Жасур Дўсттов ўзини ижодкорларга бу даражада яқин олиши сирини кейин билдик. У киши "Сизлар билан қанийди кун бўйи дардлашсам, кўнглим ёзилармиди, жиянини кўргандек, суҳбатлашгандек бўлялман" дея хўрсиниб, ўзининг ўтган йили автоҳалокат қурбони бўлган ҳамкасбимиз, иқтидорли қалам соҳиби "Халқ сўзи" газетаси муҳбири раҳматли Саиджон Махсумовнинг тоғаси эканлигини айтганида биз ҳам маҳзун тортиб қолдик...

Хуллас, қорли чўққиларга етмоғимиз душворлигини англаб, шом тушаётган маҳал ортага қайтдик...

Семинарни якунлаб қайтган фидойи табииётсевар Жасур ака кутиб турган экан. «Ушбу саёҳат қандай бўлди? Айтмабидим сизларга, Чотқолнинг ўндан бир қисмига ҳам етолмай-сизлар. Чўққилар туялар ўрқачидек кўрингани билан бир-бирига улашиб кетаверди. Энг қизиги, одам қанча юрганини билмайди ва ҳозир етволман, деб ўйлайди» дея ўзи раҳбарлик

сат, маърифат, туризм, саводхонлик, таълим-тарбия, ОАВ тақдирини, ҳаттоки «троллар фабрикаси»гача чўзилди мавзу. Э, қизиқ давра бўлди, бахс-мунозара, тоғлар тақдирини, экологик маданият, ҳамма-ҳаммасини ўзимизча муҳокама қилган бўлдик.

Норқобил ЖАЛИЛ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида вилоят ҳокими ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Ўткиржон ҚОДИРОВнинг ҳисоботи эшитилди.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ: БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ



Унда алоҳида таъкидланганидек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида вилоятнинг ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш, давлат-хусусий сектор шериклигини ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоятда кейинги тўрт йил мобайнида қиймати 41,8 трлн. сўм бўлган 3988 та лойиҳа амалга оширилади. Булар 77 минг 231 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш назарда тутилган текстиль ва тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш,

савдо хизматлари, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик йўналишидаги лойиҳалардир. Жорий йилнинг ўзида қиймати 10,8 млрд. сўм бўлган 770 та лойиҳа амалиётга татбиқ этилиб, воҳа ёшлари учун 12 минг 625 та янги иш ўрни яратилиши изчил олиб борилаёпти.

Эшитувда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, O'zLiDeP фракцияси аъзолари Дониёр Ғаниев, Жавлонбек Эргашев ва Нодиржон Абдувалиев** ҳам бевосита иштирок этиб, Давлат дастурининг устувор жиҳатлари ва уларни амалга оширишдаги долзарб вазифалар ҳақида сўз юритишди.

Тадбир иштирокчилари Нишон туманида жойлашган "Талимаржон Иссиқлик электр стан-

цияси" акциядорлик жамиятида бўлиб, электр энергияси ишлаб чиқариш жараёнлари, амалиётга татбиқ этилаётган янги лойиҳалар билан танишишди. Корхона бош директори, O'zLiDeP аъзоси Олим Юсупов меҳмонларни станцияда амалга оширилаётган ислохотлар билан таништирarkan, тез орада қурилиши бошланиши қутилаётган ҳар бирининг қуввати 900 МВт бўлган 2 та янги буғга қурилмалари соҳада улкан қадам эканлигини алоҳида таъкидлади.

Президентимизнинг "Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида станцияда замонавий, тежамкор ёқилғи сарф қиладиган технологиялардан оқилана фойдаланишга эътибор қаратилаётганлиги қувонарлидир. ИЭС маълумоти бўйича электр таъминотини яхшилаш мақсадида 38 кВт қувватли қуёш фотоэлектр станцияси фаолияти йўлга қўйилгач, жамият эҳтиёжи учун ишлатиладиган электр энергияси сарфи анчагина қамайган. На-тижада йилга 76 000 кВт соат электр энергияси иқтисод қилинади ёки 9,74 тонна шартли ёқилғи тежаб қилинишига эришилади.

Ҳисобот давомида сўзга чиққанлар воҳада ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, иқтисодий эркинлаштиришга қаратилган лойиҳалар устида ишлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хусусийлаштириш йўналишларидаги йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бора-сида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" муҳбири

ЭЪТИБОР



ДЕПУТАТ ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРДИ

Пешку туманидаги 2-умумтаълим мактабида халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутати Ҳалимжон Сафаров иштирокида "Депутат ва ёшлар" учрашуви ўтказилди.

Унда сўзга чиққан халқ ноиб мамлакатимизда Тараққиёт стратегиясидан келиб чиққан ҳолда барча соҳалар қатори таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган жадвал ишларга Пешку тумани мисолида тўхтади.

Шунингдек, депутат бугунги кунда ёшларимиз жисмонан соғлом, маъ-

нан етук бўлиб вояга етишлари учун яратилган имконият ва шароитлар хусусида гапириб, давлатимиз раҳбари илгари сурган "Беш ташаббус"нинг асосий йўналишларидан бири – ёшлар ўртасида китобхоналик кенг тарғиб қилиш бўйича олиб борилаётган эзгу ишлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда депутат томонидан фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган ўқувчи-ёшларга ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналаридан иборат китоблар тўплами ва ўқув-қуроллари тақдим этилди.

Мазкур учрашувда депутат ва ёшлар ҳамкорлиги келгусида ҳам давом эттирилиб, ўз амалий натижасини беришига ишонч билдирилди.

Ўз муҳбиримиз

ТАХЛИЛ ВА ТАЛҚИН

ХАЛҚИМИЗНИ ИНСОН ҲАЁТИ ВА САЛОМАТЛИГИ УЧУН МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ ДОИМО ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИЯТИ ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРИДА БЎЛИБ КЕЛГАН.

Айни пайтда юртимизнинг мева-сабзавотчилик бобидаги салоҳияти дунёга нечоғлиқ маълуму машҳурлигини таъкидлаш баробарида яратган инъом этган ва имкониятлардан қай даражада фойдаланяпмиз, деган ҳақли саволларга жавоб излашимиз зарур.

Оддий рақамларга эътибор қаратайлик: Ўзбекистонда йилга 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот етиштирилади. Шундан бор-йўғи 1,5 миллион тоннаси экспорт қилинади. Экспорт ҳажми эса ўртача 1 миллиард АҚШ долларидан ошмаяпти. Бунда қиймат жиҳатидан энг катта улушни сабзавотлар (42,2 фоиз), мева ва резаворлар (29,3 фоиз) эгаллайди.

га мувофиқ мазкур йўналишда яна 44 та кластер ташкил этилиши белгиланган.

Маҳсулотларни даладан истеъмолчигача етказиб бериш, яъни йиғиш, ташитиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва сертификатлаш ҳаражатларининг юқорилиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан олинандиган фойдани камайтиради. Шунингдек, озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноатининг паст даражада ривожланганлиги юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга тўғнақ бўлмоқда.

Кичик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини бирлаштириш-

Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра янгитдан ташкил этилган боғлар, узумзорлар ва тутзорлар эндиликда **5 йил муддатга ер солиғидан** озод қилинади. Аввал ушбу имтиёз 3 йил муддатга белгиланган эди. Ушбу имтиёз ҳам мевачилик ва узумчилик кластерлари ривожига хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шу жумладан, халқимиз эҳтиёжи учун зарур мева-сабзавот маҳсулотлари ҳамда полиз ва дуккакли, мойли экинлар экилишини рағбатлантиришда, ишсиз аҳолининг оила пурадири асосида мавсумий иш билан банд қилинишида **жисмоний ва юридик шахсларга ер майдонларини иккиламчи ижарага бериш амалиётини янада кенгроқ ёйилиши мақсадида мувофиқ.**

Мева-сабзавотчилик соҳасида **аҳоли томорқа хўжалиқларидан самарали фойдаланиш масаласи ҳам**

БИЗДА ҲАММА ИМКОНИАТ БОР, ФАҚАТ...



муҳим аҳамият касб этади. Зеро, республикада халқимиз озиқ-овқат хавфсизлиги учун доллар аҳамиятга эга мева-сабзавот, **полиз маҳсулотларининг қарийб 70 фоизини аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжалиқларида** етиштирилмоқда. Маълумотларга кўра, юртимизда аҳоли ихтиёрида 500 минг гектар агрофида томорқа ер мавжуд. Шу ўринда республикада деҳқон хўжалиқлари ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, шу жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.

“Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги (2021 йил 1 апрел) қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, **томорқа ер эгалари агрокластерлар билан ҳамкорлик қилишлари, қишлоқ хўжалик кооперативларига ихтиёрий равишда аъзо бўлиши мумкин.** Иссиқхоналар ташкил этиш, уруғчиликлар, кўчатлар, қишлоқ хўжалиги ашё-анжомлари ва усқуналари, сурғиш қурилмалари (насослар, артезиан қудуқлар ва бошқаларни) сотиб олиш учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлардан, жумладан, имтиёзли кредитлардан, субсидия ва бошқа преференциялардан, сув ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ҳозирги вақтда республикада қарийб **416 мингта хонадонда икчам иссиқхоналар** мавжуд ва шу тарзда жами **7,5 минг гектар** майдонда **2-3 марта ҳосил олиш имконияти яратилган.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги 216-қарори асосида 1920 та маҳалла “**Бир маҳалла – бир маҳсулот**” тамойили асосида мўайян турдаги маҳсулотларни етиштиришга ихтисослаштирилган.

Республикамиз қонунчилик ҳужжатларида агрокластерлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгаларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб берилган бўлиб, уларнинг қишлоқ хўжалиги, яъни, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий субъектлар сифатида шаклланиши ва ривожланишини таъминламоқда.

Бир сўз билан айтганда, жаннатмонанд юртимизда Оллоҳ ато этган ҳамма имконият бор. Еримиз унумдор бўлса, сувимиз ҳам баҳоли қудрат эпласак етди деҳқончилик, боғдорчилик қилиш учун. Дезрли тўрт фаслда ҳам қувш нуридан баҳраманд бўлгучи ажойиб ўлкада ашайимиз. Фақат она табиатга зуғум ўтказмай, дангасалик қилмасдан, ҳалол ва тўғри ишласак, дунёда энг бахтли, фаровон яшайдиган халққа айланамиз. Шундай қунар албатта яқин.



Акрอม АЛИМОВ, Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерлиқни қўллаб-қувватлаш маркази директори



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ ЎРИНБОСАРИ, О'zLiDeP ФРАКЦИЯСИ РАҲБАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИҚЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ РАИСИ АКТАМ ХАЙТОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ИШЧИ ГУРУХ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИДА БЎЛИБ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ.

Ишчи гуруҳ аъзолари дастлаб “Ғаллаорол Ҳўмо Агро Томорқа хизматлари” масъулияти чекланган жамиятида бўлишди. Яқинда иш бошлаган жамиятда паррандачилик ва қуёнчилик фаолияти йўлга қўйилган, 10 кишининг бандлиги таъминланган.

Очиқ мулоқот чоғида корхона раҳбари Элёр Ҳайдаров янги режалари ҳақида сўзлаб берди. 250 тонналик музлатгич қуриш, ем ишлаб чиқарадиган цех фаолиятини йўлга қўйиш, 30 сотих майдонда иссиқхона барпо этиш, шунингдек, тухум етиштириш мақсадида “Қоршаҳзода” деб номланган товуқ турларини кўпайтириш каби лойиҳаларнинг аҳамиятини айтиб ўтди. Ҳисоб-китобларга кўра, режа қилинган барча лойиҳалар амалга оширилиши учун 6 миллиард 200 миллион сўм маблағ талаб қилинади. Лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши эса кўплаб янги иш ўринлари тайин дегани.

Тадбиркорнинг истиқболли лойиҳаларини обдон ўрганган ишчи гуруҳ аъзолари уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни билдирдилар.

Ғаллаорол туманида 3295 та деҳқон хўжалиги ва 24306 та томорқа ер эгаларида жами 4203 гектар ер майдони мавжуд. Эндиги масала ундан самарали фойдаланиш.

Ишчи гуруҳ вакиллари ўрганишлар давомида “Маданият” ҚФЙ ҳудудидagi 2-Қангли қишлоғида бўлиб, аҳолининг томорқадан самарали фойдаланиш ҳолатларини ўрганишди. Туманда ташкил қилинган томорқа хизматларининг аҳолига кўрсатаётган кўмаги, уруғ ва кўчатлар етказиб беришдаги амалий ёрдамлари билан қизиқишди. Акром Қоравнинг томорқасини кўздан кечиришди. Хонадон эгасининг таъкидлашича, оила аъзолари томорқадан 20 миллионга сиф даромад олишаётган экан.

Очиқ, самимий суҳбат чоғида томорқачиларга фаолият турларини кенгайтириш, даромаднни ошириш учун кўмаклашиш, жумладан, иссиқхоналар ташкил қилиш истиқдидида бўлишига амалий ёрдам берилиши таъкидланди. Туманда томорқачилар фаолиятини янада оммалаштириш борасида мутасадди ташкилотлар билан бирга депутатлар, партия фаолига юқлаштирилган масъулиятни янада ошириш ҳақида сўз юритилди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, “XXI asr” мухбири

Холбек Асатов олган сурат.

АКС САДО

АНОЛОГСИЗ АКСИОМА

ёхуд ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариш хусусида

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЕТАКЧИ СИЁСИЙ КУЧ САНАЛИМИШ О'zLiDeP'НИНГ ЯҒОНА РАСМИЙ НАШРИ “XXI ASR” ИЖТИМОИЙ СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИНИНГ 2022 ЙИЛ 28 АПРЕЛДАГИ 17(963) СОНИДА ДАСТАВВАЛ ДИҚҚАТИМИЗ ЖАЛБ ҚИЛГАН МАҚОЛА ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ, ЛАФФЕР ЭҒРИ ЧИЗИГИ ВА “ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”ДАГИ ҒОЯЛАРНИНГ ТУТАШУВ НУҚТАСИ ХУСУСИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР БЎЛДИ. “Ўз келажагимга ўзим инвестор” номли умумий сарлавҳа остида БЕРИЛГАН МАЪЛУМОТЛАРНИ НАФАҚАТ ҚИЗИҚАРЛИ ТАЛҚИН, БАЛКИ ИХЧАМ ТАДҚИҚОТГА ҚИЁСЛАШ ЎРИЛИ. УНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ТАҲРИРИЯТ ИЖДОКЛАРИ АСТОЙДИЛ ИНТИЛГАН ЯҚҚОЛ СЕЗИЛИБ ТУРИБДИ.

Кези келганда, таҳлилий мақоладаги баъзи жумлаларни қайтариқ бўлса-да, эслаб ўтиш жоиз: “Доллар мавзуга бошқача ракурстан нигоҳ ташлаш”, “қиёс – қотиб қолишдан қутқариб, ростини ва афзални ажраттиришга яшил чироқ ёқадим”, “платформага уйғунлик, электротатга қулайлик”, “фискал тизим тобора тақомиллашяпти”, “маблагларни йиғиш ва сарфлашни бус-бутунлигича акс эттирувчи ҳалқа”, “Амир Темур даврида том маънода инновациялар юз берганини англамоқ учун на уста тарихчи, на қулни иқтисодчи бўлиш шарт эмас”, “Артур Лаффер “Темур тузуқлари”ни ўқиганми? Фискаллар лавозимини жорий этган Пётр I ёки бугун бутун дунёда эътироф этиладиган солиққа тортиш тамойиллари асосисчи Адам Смит-чи?” ва ҳоказо...

Мана шундай гаплар ҳақиқатан кишини мулоҳаза юритишга чорлайди. Ўзимизни алдаш учун ўзимиз

ўйлаб топадиган баҳоналарни четга суриб, мутолаага кўпроқ вақт ажраттишга, илм сари юришга ундайди. Давлат солиқ қўмитасида аънаваний тарзда ўтказиладиган маънавият соатларида ҳам шу тамойилга амалга қилинади.

Уйғунлиқни қарангки, навбатдаги тадбирнинг мавзуси “Темур тузуқлари”даги солиқ маъмуричилига оид ўлмас тоғларнинг Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида нечоғли акс этганига бағишланди. Давлат солиқ қўмитаси хузурдаги Фискал институт доценти, тарих фанлари номзоди Файзулла Толипов кун тартибидagi масала юзасидан аниқ манбаларга асосланган маъруза қилди. Соҳибқироннинг ҳар бир кенгаши ва машварати замиридаги узоқ истиқболга йўналтирилган улкан мақсадларни содда тилда тушунтириб берди.

Ҳар соатта мўлжалланган ўқининг белгиланган вақтдан ошганига вақти тизиб солиқ ҳодимларининг эътироз билдирмагани, аксинча, тилловчилар томонидан шу мавзунинг кейинги ҳафтада янада қуқурок шаклда давом эттириш таклифи илгари сурилгани тадбирнинг яхши ташкил этилганидан дарақ. Чунки ҳозирги замонда аудиторияни йиғириш дақиқадан ортиқ диққатни чағнатмасдан ушлаб туриш ниҳоятда мушкул. Сал-пал умумийликка ўтилдимиз, тамом – залдагилар хаёлотнинг чексиз оламига “шўнгиди”.

Мухтасар айтганда, даврий наشرларнинг ҳам мазмуни ҳам шаклан ўзгариши алоҳида муштарилар тимсолида турли соҳаларда ижобий ўзгаришларга туртки бериши тайин. “XXI asr”даги мақола ҳам шунга жонли бир мисол.

Гавҳархон МУҚАДДАСОВА, Давлат солиқ қўмитаси раисининг маслаҳатчиси

ХУҚУҚ

Иш унумдорлиги ошсин десангиз...

Меҳнат жамоаларининг манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг асосий кафолати нима? Ушбу саволга жойлардаги ўрганишлар натижаларига асосланиб қуйидагича жавоб бериш мумкин: **корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмаси қўмитаси фаолиятининг талаб даражасида йўлга қўйилгани.** Шунингдек, **жамоа шартномаларининг меҳнат муносабатлари ва муҳофазасига оид қонунчилик талабларига мос тарзда тузилиши ҳамда уларнинг бажарилиши устидан лозим даражадаги назорат мавжудлиги.**

Шундан келиб чиққан ҳолда, Сурхондарё вилоят Бандлик бош бошқармаси давлат меҳнат инспекцияси ҳодимлари иш берувчиларнинг эътиборини меҳнат муҳофазаси масалаларига қаратиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишлар қилмоқда. Семинарлар ташкил этиш орқали профилактик тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Меҳнат шароитлари хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар натижаси ўларок, вилоятдаги мавжуд ишлаб чиқариш объектиларида содир бўлиб турадиган бахтсиз ҳодисалар сони йилдан йилга камайишига эришилди.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар таҳлили шуни кўрсатишмоқдаки, **қуёра меҳнат муҳофазаси масалаларига эътибор сарфайтирилган бўлса, ўша жойда нохуш ҳодисалар кўпаймоқда.**

Ишхонада барча ҳодимлар билан лозим даражада меҳнат муносабатлари ўрнатилиши, уларнинг соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларида фаолият юритишлари учун қулайликлар яратилиши ишлаб чиқариш унумдорлигини оширади. Шунингдек, иш берувчининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Қаландар КОМИЛОВ, Сурхондарё вилоят Бандлик бош бошқармаси давлат меҳнат техник инспектори

“ШҲРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ”

UNG Shurtan GKM масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Халқаро болаларни химоя қилиш куни билан барча юртодошларимизни, болажон халқимизни табриклар, эртанимиз эгалари бўлмиш дилбандларимизнинг юзларидан табасум аримаслигини, кўзлари ҳаминша қувончдан порлаб туришини, келгусида эл-юртга нафи тегадиган инсон бўлиб улғайишини тилайди. Тинч ва фаровон юртимизга кўз тегмасин.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БОШҚАРМАСИ

мамлакатимизда Учунчи Ренессанс пойдевори қурмаётган шундай масъулиятли паллада эртанимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган болажонларимизни, уларга бев-муҳаббатини бериб тарбиялаётган қадриятли ота-оналарни 4 июнь ~ Халқаро болаларни химоя қилиш куни билан самимий муҳофаза этади. Ўғил-қизларимизнинг таниш-билиш соҳ бўлиши, Эртанимизни илқонишга шароитлардан унқилиб фойдаланган ҳолда текис таълим-тарбия олиб, юртимиз добруғини дунёга таратадиган баркамол авлод бўлиб улғайиши, Фарзандлар бахту каломлини кўриши барчамизга насиб этсин!

“DORA LINE” pharmaceutical

Dora kalsin Фарзандларимизнинг саломатлиги учун

Болалар деганда, аввало, мурғак жон, Оллоҳ томонидан бизга берилган ота-оналик бахти, авлодимиз давомчилари, ширингина кичкинтойлар кўз олдимизга келади. Уларнинг борлиги – ҳаётимиз мазмуни, кўзимиз қувончидир. Бугунги дунё иқлимнинг тез суръатлар билан салбий томонга ўзгариши, яъни экологиянинг бузилиши, истеъмол маҳсулотларининг кўп қисми кимёвий моддалар билан бойиб бораётгани, бизни ўраб турган муҳитнинг ёмонлашуви болажонларимиз саломатлигига ноҳус таъсир кўрсатаётгани барчамизни ташвишга солмоқда. Бундай ҳолатларда болалар онасининг ҳомиладорлик давридаёқ керакли, витаминларга бой маҳсулотлар билан озиқлана олмаётгани, туғилиши биланоқ турли хасталикларга чалинаётгани, суяк тўқималаридаги заифлик, ақлий фаолиятнинг кеч ривожланиши, инжиклик ва асаб тизимидаги камчиликлар бугунги кун табиёти олдидаги энг долзарб мавзуга айланиб бормоқда. Касалликни даволадан кўра унинг олдини олган маъқул ва осонроқ. Шу муносабат билан маҳаллий ишлаб чиқарувчи “DORA LINE” pharmaceutical компанияси мазкур масалада ёш болани ота-оналар, ҳомиладор аёллар ва катта ёшдагиларга Европа стандартлари ва хомашёси асосида тайёрланган миллий маҳсулот – DORA KALSIN препаратини тавсия этади.

● УШБУ ПРЕПАРАТ БИОФАЛ ҚЎШИМЧА БЎЛИБ, БОЛАЛАР ВА КАТТАЛАРДА ҚҲЙИДАГИ ХАСТАЛИКЛАРГА МАЛҲАМ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ:

- * Тишлар чиқишига ёрдам беради, суяклар зичлигини оширади, шаклланишини таъминлайди;
- * Остеопороз хавфини камайтиради;
- * Асаб ва мушак тизимларининг нормал ишлашига ёрдам беради;
- * Қон босимини назорат қилиш ҳамда қон ивишида иштирок этади ва яхшилайди;
- * Терининг соғлом бўлишини таъминлайди.
- * Кальций-оксалат тошларининг шаклланишига тўсқинлик қилади.
- * Аминокислотларнинг организмдаги трансминациясида иштирок этади;
- * Оқсил ва углеводлар алмашинувида иштирок этади ва яхшилайди;
- * Оксидланиш жараёнларини рағбатлантиради;
- * Аммиакни танадан зарарсизлантириш ва чиқаришга ёрдам беради;
- * Организмнинг гипоксияга чидамлилигини оширади;
- * Ацетилколин ва АТФ синтезини, калий ионларининг ўтказилишини рағбатлантиради;
- * Скелет мушаклари фаолиятини яхшилайди;
- * Болаларда иммунитет ва иштаҳани оширади;
- * Тоғай тўқимасининг регенерациясини яхшилайди;
- * Организмда кальций ва Д витамини етишмовчилигини бартараф этишда кўмаклашади;
- * Суяк тўқимасида ва фосфор алмашинувини тартибга солиш мақсадида кальций ва Д витаминининг қўшимча манбаи сифатида тавсия этилади;
- * Фонтанелларнинг бирлашиши, тишларнинг пайдо бўлиши ва чақалоқларнинг шаклланишини рағбатлантиради;
- * Йигит ва ўсмирларда суяк тўқимасининг ўсишини оширади, бўйни устиради.

● ШУ КАБИ САМАРАЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭГА БЎЛГАН ПРЕПАРАТИМИЗНИ ҚҲЙИДАГИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ:

1 дона саше ичидаги гранула 30-50 мл илик сувда эритилади, аралаштириб тайёрланади ва дарҳол ичиш тавсия этилади. Имкон қадар тушлиқдан кейин истеъмол қилиш тавсия этилади. Чунки кальций препаратлари организмга тушлиқдан сўнг кенг қамровли сўрилади. Янги туғилган чақалоқлар ва 7 ёшгача бўлган болаларга бир кунда 1 пакетдан овқатланиш вақтида қабул қилиш тавсия этилади. 7 ёшдан катта болалар ва катталар учун: бир кунда 2 пакетдан овқатланиш вақтида қабул қилиш тавсия этилади. Қабул курси 4-6 ҳафта.

Шундай экан, азизлар, кичкинтойларнинг келажакда етук ва соғлом инсон бўлиб етишишлари учун барчамиз жавобгармиз! Масъулиятни англаган ҳолда фарзандларимиз саломатлигига бефарқ бўлмайлик!

www.doraline.uz
STERNVITAMIN
astraira

ОНА ВА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ЧАМБАРЧАСДИР

ШАХС СИФАТИДА ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНИШИ УЧУН БОЛА ОТА-ОНАСИНИНГ ҒАМХЎРЛИГИ, МЕҲР-МУҲАББАТИ, МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ ТАЪМИНОТИ ОСТИДА УЛҒАЙИШИ ЗАРУРЛИГИ БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ДЕКЛАРАЦИЯСИДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНГАН.

Она ва бола бир оила. Улар бола дунёга келгандан бошлаб оила сифатида шаклланади. Жамиятда оила манфаатини химоя қилиш кўплаб механизм орқали амалга оширилади. Она ва бола манфаати бир-бирига мослиги боис уларни алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, ҳомиладорлик даврида ҳамда туғилажак боланинг биринчи йилларидаёқ она бола манфаатларининг химоячиси сифатида намоён бўлади. Миллий қонунчилигимиз ҳомиладор аёлларга ўз манфаатлари ва ҳомиляни туғилишдан олдин ҳам химоя қилишга имкон берувчи муайян қоидаларни белгилаган. Хусусан, ҳомиладорлик ва туғиш ниқоҳланувчи шахслар ниқоҳ ёшига етгунига қадар рўйхатдан ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади (Оила кодекси 15-модда). Бундай меъёрлар боланинг табиий муҳитда, қонуний равишда рўйхатдан ўтган оилада туғилиши ва ўсиши учун шароит яратди.

Шунингдек, болаларнинг ижтимоий таъминотида бирдек иштирок этиши учун уларни таъминладан бош тортаётган ота (она)нинг бир қатор мажбуриятлари ҳам кафолатланган. Оила кодексининг 96-моддасида ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги, вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилиши қайд қилинган. Ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт. Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош тортган ота (она)дан суд уларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб, қўшимча харажатларни қисман пул билан тўланадиган қатъий суммада ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин. Ота-онаси вафот этгани оқибатида етим қолган вояга етмаган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва таълим бериш давлат томонидан тўлиқ амалга оширилади. Фарзанд тарбияси билан машғул оилафарқа давлат томонидан бола пули, нафақа, моддий ёрдам каби кўмаклар кўрсатилиши улар қонун билан химоялангани, жамиятда она ва боланинг давлат томонидан тўлиқ муҳофаза қилинганидан далолат беради.

Саида АБДУРАҲМОНОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Миробод туманлараро
суди судьяси



УНУТМАС СЕНИ БОҒИНГ!..

Усмон Носир улуғ ва абадий шеърятнинг дийдасидан оқиб улгурмаган шабнамдир, уҳали қаҳқаҳага айланмай лабларимизда мангу қотиб қолган ним табассумдир.

Абдулла Орипов

**Сен юрагимнинг чашма суви сен,
Сен кўзларимнинг гавҳар нурлари.
Сенинг баҳонгни ким сўраса, де:
“Баҳом умрингнинг баҳосига тенг”.**

Ҳайратим эса тобора ошиб бораверади. Йигирма ёшида “Куёш билан суҳбат”, “Сафарбар сатрлар” китоблари нашрдан чиққан экан. Гоҳида, “ТикТок” саҳифаларига мўралайман... Ҳар галгидек, 20-25 ёшли “болалар” ярим яланғоч бўлволиб, очиқчасига бўралиб сўкиниш пойгасини давом эттираётган бўлади. Бир томонда Султон, нарёқда Даврон, Абдулласиям, Ҳамидиям бор. Айниқса, онани шундай ҳақоратлайдиларки, гўё ўзларини

**Жим!.. Уфқдан ботар кўёшни
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.
Парча-парча қуйган шафақлар
Тирқираган қонни эслатди.**

Усмон Носир жуда ёш бўлса-да, Ватан туйғуси ва Миллат қайғуси нима эканини яхши тушуниб этади. Ҳозирги айрим шоирлардек, “ўлдим-қуйдим” деб қофия кетидан чопмайди, шеърларини қўшиқчиларга ўтказиш учун эшигини тақиллатиб бормади. Шеърнинг буюк маънавий-руҳий қудратини ёш Усмон теран англаб етган эди.

Ҳозирги айрим ёшларга ўхшаб жараёнларга беэътибор, беҳис бўлганида эди, халқ дардини куйламаганида

да юриб, энг олий мукофотларни олиб, эл ардоғида яшаб ўтган бўлсалар-да, адолатсизлик “қурбон”ига айлантиришади. Шундай пайтда уларга эслатинг келади – **25 ёшида қамалиб, 32 ёшида тиконли симлар ортида ҳаёти адоғи етган Усмон Носирни...** Айни ижоди барқ урган палла синдирилди уни!

1944 йилнинг охирида Усмон Носирга оқлов хулосаси чиқарилади. Афсуски, шоир шу йилнинг эрта баҳориди, 9 март куни ҳаёт билан видолашган бўлади... Мана, орадан бир давр ўтиб, Усмон Носир ижодига шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев алоҳида эҳтиром ва эътибор кўрсатиб, афсонавий шоиримиз таваллудининг 110 йиллигини мамлакат миқёсида кенг нишонлаш тўғрисида қарор имзолагани беҳад қувонарли воқеа эмасми? Муносиб эътироф бу. Ҳар қанча фахрга тўлиб эъзозласак арзийди улуғ зотни.
Дарвоқе, Усмон Носирнинг ўзи ёзганидек:

**Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас мени боғим.
Шеърларим янграб қолур –
Бир умрга ўлмайман!..**



**Мухаммаджон РАҲИМОВ,
фалсафа фанлари доктори**

АҚШ Нью-Йорк, Бруклин

...Агар менинг ўқиганларимда Усмон Носир деган ёзувлар бўлмаганида эди, сўзсиз, Лермонтов асари деб уйлаган бўлардим. Унинг содда ва раvon тилда ёзганларини мутолаа қилганда беихтиёр Пушкин ҳам эсимга келади. Дарҳақиқат, ўз даврида Москвада ўтган ижодкорлар йиғинларининг бирида “Шарқда Пушкин қайта туғилди”, деб бежиз айтишмаган.

“Мен – Мажнунман, шеърим, сен – Лайли” мисрасини ўқиб, шундай иқтидор соҳиби ўзимизнинг юртдошимиз Усмон Носирлигини эслаб қоламан-у, чин дилимдан ғурурланаман. Унинг аччиқ тақдирини ўйлаб эса томоғимга нимадир тикилгандек бўлади. Яна уни ўқигим келади.

бу зот туғмагандек... Улар учун мен уялиб кетаман. Булар чиндан ҳам Усмонлар, Чўлпонлар, Қодирийлар авлодими, деб ўйлаб қоламан. Ҳайф, сенларга икки қаватли исмлар!..

Яна ўтган асрнинг 30-йилларига қайтиб, неварам тенги Усмонжонга мурожаат қиламан... Буни қарангки, 22-23 ёшларида яна 3 та китоби босмадан чиқибди. Ижод машаққати шунчаликки, “Саҳарда қон тупурсам, майли”, деб ёзади шоир. Токи, асарларини одамлар ўқисин, роҳатлансин, ҳаётнинг қадрига етсин, умрини беҳуда ўтказмасин! Мухаббатга аталган монолоғида ҳам шундай сатрлар бор:

эди... Усмон Носир ҳам, эҳтимол, 80-90 ёшларга кириб, бу дунёдан беиз ўтиб кетаверарди. Йўқ, у машаққатли йўлни танлади. Даврга муносабатини билдира олди: “Кеча туғилдим, аммо қола олмадим. Икки бўлак йўлнинг Аросатида...”

25 яшар Усмонжон ижодининг 10 йиллиги байрам қилинганда, панада кузатаётган ўзимиздан чиққан сотқин-ғаламислар “хап сеними” деб кўнглига қора ният тукканини қаёқдан билсин оққўнғил шоиржонимиз!

Гоҳида айрим машхур замондош ижодкорларимизни, гарчи улар узоқ йиллар давлат ва ҳукумат эътибори-

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЪНАВИЯТ ВА ДАВЛАТ
ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ
ДЕПАРТАМЕНТИ ДИҚҚАТИГА!**

ЁЗУВДАГИ ЁЛҒОНЛАР

ёхуд ҳужжатлардаги чалкашликлар қачон тузатилади?

**...КАТТА ҲОВЛИГА
КАДАСТР ҲУЖЖАТИ
ТАЙЁРЛАЯПМАН.**

**ДАСТЛАБ АРХИВДАН
УЙ ДАДАМНИНГ МУЛКИ
ЭКАНЛИГИ Тўғрисида
БИЛДИРГИ ОЛДИМ. УНДА
“ҚўлДАШЕВ АБДУ-
РАҲИМ” ДЕБ ЁЗИЛГАН
ЭКАН ДАДАМНИНГ
ИСМ-ШАРИФИ.**

Кейин туман архивдан дадамнинг вафот этганлиги қайд этилган маълумотномани олдим. Унда эса “Қўлдашев Раҳимжон” деб ёзилган. Кадастр ходими дадангизни исмида ҳар хил йил ёзилиб кетибди, охирида нотариусга борсангиз улар ҳужжатга имзо чекмайди, деб огоҳлантирди.

Энди нима қиламан?
Аслида дадамнинг исмлари Абдурахим эди. Мана шу шакли тўғри.

Қаердан “Раҳимжон” бўлиб қолганини билмайман. “Раҳимжон” сўзи ўртасида “д”-га пишриб қўйибдими? Ана шу “д” сўзларимизни заҳарлайдиган куртмикан ё!

Тавба! Одамнинг исм-фамилиясида ҳам шунақа чалкашлик бўладими?

Бу нима энди?! Тилимизга ўрис тилининг “ижобий” таъсири-ми, ўша тилга тақлид қилсак, маданнийлашиб қоламизми?

Нега расмий ҳужжатларда исм-фамилияларимиз нотўғри ёзилган?

Нега ўша замонда қайсидир кўрсавод(менимча ё умуман ўзбек бўлмаган, ёки “руслашган”) дадам раҳматлининг исмларини “Раҳимжон” деб ёзган? Ҳеч ақлим етмайпти.

Нима учун ўша даврдаги саводсизликни деб мен бугун сарсон бўлишим керак? Ким изоҳ беради?

Гапнинг дангалини айтимай, кўпгина ҳужжатлардаги исм-шарифларимизнинг бундай чалкаш, нотўғри ёзилиши миллатимиз учун шармандалиқдан бошқа нарса эмас!

Нега тилимизга давлат мақоми берилганига 33 йил, мустақил давлат деб эълон қилинганга 31 йил тўлаётган бир пайтда ҳамон исм-фамилия ва бошқа айрим ҳужжатларимиздаги хатолик, чалкашликлар тузатилмаяпти? Бу саволга ким жавоб беради? Парламент палаталарими ёки бошқалар, ким масъул, айтинглари!

Тақлифим: Ўзбекистон миқёсида барча ҳужжатлардаги исм-фамилияларимизни бошқатдан, тузатилиб, тўғри ёзиш тадбирини оммавий равишда ўтказиш шарт! Ахир тоқайгача “Раҳимджан”, “Ходжаев”, “Халтаев” “Абдиганпар”, “Галавиддин”, “Калиханав”, “Тайир”, “Шамансур”, “Йўлдабўлди”, “Халтура” ва бошқа кулгили(аслида қайғули) номларни кўтари-и-и-б юрамиз?

Нима қилмоқ керак? Мутахассислар, сенатор, депутат, юрист, зиёлилар, қани, муштни бир жойга қўйиб бир тайинли қарорга келайлик энди. Вақт ўтиб кетаяпти. Шу вақтгача ўз насл-насабимиз, ота-боболаримиз исм-шарифла-

ри нотўғри ёзилгани етмагандек, устига устак, ҳамон ана шу шармандалик чалкашликларни тузатишга шошилмаётган ва қайсидир эскириб кетган қонун ҳужжатларини рўқач қилиб ўтирган масъулларни гафлат уйқусидан уйғотиш фурсати келмадими? Ахир орият деган муқаддас тушунчалар борку халқимизда? Қачон бундай кўргиликлардан қутуламиз?

Билингки, исм-фамилиямизнинг нотўғри ёзилганлиги бизнинг ўша ҳужжатни ёзган, қайд этган саводсиз, маънавиятсиз одамлар томонидан масхара қилинганлигимиздир.

Ҳалиям кеч эмас, бир хатолик ўн хатоликни етаклаб келмасидан бурун шошилайлик. Бизнинг фарзандларимиз, ворисларимиз ўз исм-фамилиясидан орланмасин, уялмасин!



**Раҳимжон РАҲМАТ,
адабиётшуносо**

АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР!

Энди почтани кутиб ўтиришга ҳожат йўқ.
Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг.
Бунинг учун телефонингизга “Play Market” ёки “App Store” дан “XXI asr” иловасини юклаб олиб, пул ўтказсангиз кифоя.



Газетанинг электрон обуна нархлари:

**12 ойлик –
96 минг сўм;
6 ойлик –
48 минг сўм.**

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



**Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Таҳрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Сирожддин САЙИД
Адхам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.
Буюртма рақами: Г – 551 Адади: 4331
Электрон обуна – 1338

Баҳоиси келишилган нарҳда.
Топширилди – 20:20

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнерлар

ISSN 2181-497X



**НАШР КўРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6**

Навбатчи муҳаррир:
Озод РАҲАБОВ